O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 31-mart • Payshanba • 41 (27.376) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг навбатдаги мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2005 йил 30 март куни Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Кенгаш ШҲТ ҳудудидаги вазиятни кўриб чиқиб, террорчилик, айирмачилик ва экстремизм ШҲТга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий таҳдид солиб турганини қайд этди.

Кенгашда ШҲТга аъзо давлатларнинг аксилтеррор салоҳиятини янада юксалтиришга, террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга оид умумий интилиш мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори В.Қосимовнинг Кенгаш қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТнинг жорий фаолиятига ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ШҲТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2005 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ҳамкорлик ва ишчанлик руҳида ўтди.

**(ЎзА)**

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

## ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРИ

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқларидан бирида шундай деган эди:

***«Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим».***

Бугун бу ёруғ ниятлар амалга ошаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

***Шоҳиста ҲАМРОҚУЛОВА*** 1983 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. Мактабда таҳсил олган йилларида бир неча марта тарих ва ҳуқуқ фанларидан туман, вилоят олимпиадаларида қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритган. 1998-2000 йилларда эса «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?», «Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганамиз!» кўрик-танловларида иштирок этиб, вилоят ва республика миқёсида фахрли ўринларни эгаллаган.

Шоҳиста 2001 йилда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига давлат гранти асосида ўқишга кирган. У шу пайтдан бошлаб устози, таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Пиримқулов раҳбарлигида Ватанимиз ва жаҳон тарихининг кам ўрганилган мавзуларига бағишланган илмий изланишларини бошлаган. Унинг олтита ижодий-илмий мақолалари талабаларнинг конференция тўпламлари ва матбуотда чоп этилган.

У 2004 йилнинг апрелида «Амир Темур ва темурийлар даври кутубхоналари» номли мақоласи билан Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, ғолиб бўлган.

2004-2005 ўқув йилида эса «Ижтимоий мутахассисликлар» йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлди. Бу иқтидорли талаба ҳозирги пайтда тарихимизнинг долзарб масалаларидан бири бўлган «Болқон урушлари ва унинг Туркистон ижтимоий-сиёсий муҳитига таъсири» мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**29 МАРТ.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан турли масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги биринчи масала, яъни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси Абдурафиқ Аҳадовнинг маърузаси тингланди. Унинг таъкидлашича бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги ўзгаришлар ва улар келтириб чиқараётган эҳтиёжлар баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритишни талаб этмоқда. Шунинг учун йиғилиш кун тартибига амалдаги еттита қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш масаласи қўйилган.

Маърузадан сўнг қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Депутатлар томонидан кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Шуларни ҳисобга олиб қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси Ахтам Турсунов маъруза қилди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар билдирган фикрлар ва таклифлардан сўнг, у биринчи ўқишда маъқулланди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси ҳақида эди. Бу хусусда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, киритилиши таклиф қилинаётган ўзгартиш фуқароларимизнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини янада кенгайтириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда маъқулладилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи депутатлар ҳукмига ҳавола этилди.

Омбудсманга келаётган шикоятлар сони 2004 йилда аввалги йилларга нисбатан баъзи вилоятлар бўйича камайганлиги, Омбудсманнинг вилоятлардаги вакиллари асосан жамоатчилик асосида ишлашлари, бу институтнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ва обрў-эътибори каби долзарб масалалар депутатлар диққатини тортди. Қизғин фикр алмашувлардан сўнг мазкур ҳисобот қабул қилинди.

**30 МАРТ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда депутатлар Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақидаги Қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Лойиҳа юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев ва Ташқи ишлар вазирлигининг вакили Қодиржон Юсупов маъруза қилдилар.

Мунозаралардан сўнг, депутатлар мазкур қонунни қабул қилдилар.

Шундан сўнг 29 март куни биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари яна бир бор кўриб чиқилди ва мазкур қонунлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан бўлган мунозараларда ЎзХДП фракцияси аъзолари сўллик позициясидан келиб чиқиб, ўз муносабатларини фаол билдиришди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда фракция аъзолари қандай долзарб масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари лозимлиги ҳақида фикр алмашишди.

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзини мамлакатимиз сиёсий кучларининг сўл қаноти деб эълон қилган эди. Шунга мувофиқ, партиянинг Сайловолди Платформасида асосий эътибор ижтимоий масалалар ва аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилди. Фракция йиғилишида қонунчилик ташаббуси асосан ҳаётий, реал муаммолардан ва партиянинг Сайловолди Платформасидан келиб чиқиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Депутатлар ўзларини ўйлантириб келаётган ва сайловолди учрашувларида сайловчилар томонидан билдирилган кўплаб таклифларни ўртага ташладилар. Фракция аъзоларининг муҳокамасидан сўнг мазкур таклифларни қонун лойиҳаси ҳолига келтириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Шунингдек, фракциянинг ҳар бир аъзоси палата мажлислари муҳокамасига киритиладиган қонунлар лойиҳалари бўйича таклифларини мунтазам равишда фракцияга тақдим этиб боришлари ҳақида келишиб олинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ДАСТУР ФАОЛИЯТИ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНДИ

**Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури фаолияти якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

2002 йил октябрь ойидан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Рақамли ривожланиш ташаббуси» (РРТ) дастури БМТ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўшма дастури ҳисобланади. Бу дастурда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳукумат томонидан ижро этувчи орган этиб белгиланган. РРТ дастурининг бош мақсади мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни янада ривожлантириш ва унинг афзалликларидан фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Дастур ўз фаолияти доирасида давлат муассасалари раҳбарларининг ахборот технологиялари бўйича билимини ошириб, республиканинг электрон тайёргарлигини баҳолайди ҳамда АКТ ривожланишининг йиллик лойиҳаларини амалиётга татбиқ этади. Шу билан бирга дастур Ўзбекистон ҳукуматига АКТ бўйича қонунларни ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш ва амалга оширишга ёрдам беради. Тадбир давомида дастур томонидан чоп этилган бир қатор нашрлар тақдимоти бўлиб ўтди.

**Хуршид РАУПОВ**

## «ОФИС ТРЕЙДИНГ» ҒОЛИБ

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус — 2005» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.*

Ҳозир пойтахтимизда йигирма мингдан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатяпти. Шаҳарда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кўрикда полиграфия ва канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Офис трейдинг» масъулияти чекланган жамият раҳбари Ҳусан Мамасаидов «Энг илғор тадбиркор» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи «Ист-Колор» МЧЖ раҳбари Геннадий Газиев иккинчи, тиббий асбоб-ускуналар тайёрлайдиган «Супрамед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Собир Убайдуллаев учинчи ўринга лойиқ топилди.

Рассом-миниатюрачи Жамшиддин Саидалиев «Энг илғор ҳунарманд» йўналишида ғолиб чиқди. Ёғоч ўймакори Муҳсин Дадамуҳамедов ҳамда бадиий металл қуйиш устаси Владимир Пилипюкка иккинчи ва учинчи ўринлар насиб қилди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

### ТОШКЕНТ:

## БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

МЕТАЛЛУРГЛАР, КИМЁГАРЛАР ВА ЭНЕРГЕТИКЛАРНИ КУТМОҚДА

*Шу йил 6 апрелда пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Металлургия. Кимё. Энергетика — IndustrialExpo Uzbekistan — 2005» биринчи халқаро кўргазмаси очилади.*

Уч кун давом этадиган бу нуфузли тадбирда мукаммал саноатлашган жаҳон мажмуаларининг таниқли вакиллари илк бор бир «том» остида тўпланиб, кимё, нефть-кимё, маиший кимё, қора ва рангли металлургия маҳсулотлари, шунингдек, энергетика ускуналари ҳамда технологиялари билан танишадилар.

Кўргазмада Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Украина, Белорусия, Туркия, Германия, Латвия ва бошқа давлатларнинг йирик компаниялари, корпорациялари корхоналари маҳсулотлари намойиш этилади. Улар орасида Ўзбекистоннинг «Осиё электр гуруҳи», «Сабр», Чирчиқ трансформатор заводи, Россиянинг «Каустик», «Нитва», Украинанинг «Трубосталь», Туркиянинг «Askaynak», Германиянинг «Shimadzu Dentschland GmbH», Қозоғистоннинг «Кентау трансформатор заводи», Латвия — Америка савдо уйи, белорусларнинг «Техноприбор» каби кўплаб пешқадам корхоналари бор.

Тадбир Тошкент шаҳри ҳокимлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК ва республика савдо-саноат палатаси ташаббуси ҳамда «ZarExpo» (Ўзбекистон) кўргазмалар компанияси ташкилотчилигида ўтказилмоқда.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## «ШАҲАР НАЗОРАТСИЗ ЭМАС-КУ»

**Мазкур сарлавҳа остида эълон қилинган луқмада пойтахтнинг Навоий кўчаси бўйлаб ҳаракат қилаётган автобус ортидан «қора тутун бурқситиб кетаётгани», «одамлар кайфиятини бузиб», экологик муҳитга зарар етказаётгани ҳақида фикр билдирилган эди. Куни кеча ана шу мақола юзасидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:**

«Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан газетанинг 2005 йил 26 февраль сонида чоп этилган «Шаҳар назоратсиз эмас-ку» сарлавҳали мақолада қайд этилган ҳолатлар ўрганиб чиқилиб, бу каби камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Мақолада чоп этилган ҳолат, яъни атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўйган автобус ҳайдовчиси А.Кушатовга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Унинг бошқарувидаги «МАН16-280» русумли, 11F 7939 давлат рақамли автобусдан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди.

Шу билан бирга ушбу мақола вилоят ИИБ ЙҲХБ шахсий таркиби орасида муҳокама этилиб, вилоят ҳудудида атроф-муҳитни транспорт воситаларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ишларини янада кучайтириш чоралари кўрилди.

**А.ҲАМИДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи».**

**Долзарб мавзу**

## Болалар боғчалари: ТАЪМИНОТ, СИФАТ, МАСЪУЛИЯТ



ЁКИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ТАОМЛАР БЕРИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

**«Жойларда — қишлоқ ва туманларда фарзандларимизга тарбия берадиган, яъни уларнинг онгини ўстирадиган, фикран улғайтирадиган мактабгача тарбия муассасалари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур».**

**Ислом КАРИМОВ**

*Дунё саҳнида мамлакат, миллат сифатида тан олинишнинг жуда кўплаб мезонлари бор. Бунга яна шуни киритиш зарурки, қайси давлатда, элда фарзандлари соғлом ва баркамол бўлиши йўлида қатъий ҳаракат қилинса, ўша юрт ва халқ қудратли, шон-шуҳратли бўлади, авлодлар улуғ аждодларга муносиб бўлиб етишаверади.*

*Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги кун тартибига қўйилди. Ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси тузилди, 2000 йил мамлакатимизда «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Болаларни спорт орқали соғлом, иродали қилиб тарбиялаш мақсадида футболни янада оммалаштириш, ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига асос солинди. 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди.*

*Мамлакатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари замирида соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш билан боғлиқ катта орзу-ниятлар ётибди.*

*Мутахассислар фикрича, болалар етти ёшга тўлгунича ҳам ақлан, ҳам жисмонан шаклланишига пойдевор қўйилади. Маълумки, бу ёшгача фарзандларимизнинг аксарияти болалар боғчаларида бўлишади. Демак, бу масъулиятли давр алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб этади. Болаларнинг қанчалик жисмонан соғлом, илиги тўқ бўлиб ўсиши боғчалардаги овқатлар сифати ва хилма-хиллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.*

*Хўш, бугун болалар боғчаларидаги аҳвол қандай? Мухбирларимиз айрим мактабгача тарбия муассасаларида бўлишди.*

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Долзарб мавзу

# Болалар боғчалари: ТАЪМИНОТ, СИФАТ, МАСЪУЛИЯТ



ЁКИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ТАОМЛАР БЕРИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

### ТАОМЛАР ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Бозор бозор-да, талаби қаттиқ. Уйдаку, ота-она топганини фарзандига тутади. Хўш, боғчаларда-чи? Очиғи, бу хусусда фикр юритиш анча мураккаб. Таъминот, таомлар сифати, тарбиячи масъулияти каби кўплаб омилларни четлаб ўтиб бўлмайди. Дарвоқе, маблағ масаласини ҳам.

— Айни пайтда вилоятимизда 398 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, 2004 йилда уларга фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти учун 2 миллиард 498 минг сўм маблағ сарфланди, — дейди **Қашқадарё вилоят молия бошқармаси бюджет бўлими бошлиғи Бўрон Холлиев.** — Бу — бир болага бир кунда ўртача 463 сўмдан тўғри келади, дегани. Жорий йилда боғчаларимизга ажратилган маблағлар миқдори яна ошади...

Вилоят халқ таълими бошқармаси маълумотига кўра, боғчаларда 33 минг 821 нафар бола тарбияланаётган экан. Намунали тарбия масканлари ҳақида гап кетса, Муборак туманидаги «Эртак», Шаҳрисабздаги «Шодлик», Қамашидаги «Зилола», Ғузордаги «Камалак», Китобдаги «Пахтаой», Қарши туманидаги «Наврўз» боғчалари тилга олинади. Қарши шаҳридаги 49 та мактабгача тарбия муассасалари орасида Нодирабегим номидаги боғча-гимназияга тенг келадигани йўқ. Хоналар ораста. Ошхона мебеллари, овқат пиширишга асқотадиган ускуналар етарли. Таомномалар болалар ёши, тиббий талаблар асосида ишлаб чиқилган.

— Биз ҳам ортда қолмасликка ҳаракат қилаяпмиз, — дейди **Шаҳрисабздаги «Шодлик» боғчаси мудираси Мақсуда Акбарова.** — Боғчамизда 160 бола тарбияланмоқда. Катта ва кичик гуруҳдаги болалар учун алоҳида таомномалар тузилади. Тўғри, гўшт талабга қараганда бирмунча оз. Сариёғ, сутли таомларни узмаймиз. Мева шарбатлари ҳам келтирилади.

— Боланинг яхши ривожланиши биринчи навбатда таомга, тўғри овқатланишга боғлиқ, — дейди **Шаҳрисабз туман санитария-эпидемиология маркази шифокори Феруза Қамариддинова.** — Болалар боғчаларига маҳсулот келтираётган таъминотчилар ноинсоф, боғча мутасаддилари нафси ҳакалак отган бўлса, ўғирлик, талон-торожлик авж олади. Болага берилаётган таомда ёғ, оқсил, углевод миқдори талаб даражасида бўлиши керак. Гўшт билан бирга нўхот, ловия, мош ҳам тавсия қилинади. Сут маҳсулотлари эса умуман узилмаслиги лозим...

Афсуски, вилоятдаги айрим болалар боғчаларидаги аҳвол кишини ташвишга солади. Масалан, боғчаларнинг 30-35 фоизида ошхоналар зарур ускуналар билан тўлиқ таъминланмаган. Шаҳрисабз туманидаги 140 ўринли «Ғунча» боғчаси газ йўқлиги туфайли қишда иситилмайди, таомлар катта қийинчилик билан тайёрланаяпти. Яккабоғ туманидаги 110 ўринли «Геолог» боғчасига бор-йўғи 40-45 бола қатнаяпти. **Тиббиёт ҳамшираси Раъно Бобоқулова**нинг айтишича, электр энергиясидаги тез-тез узилиш, газнинг йўқлиги аҳволни мураккаблаштирмоқда. Тайёрланаётган таомлар сифати эса мутлақо талаб даражасида эмас.

Демак, икки масала кун тартибига чиқмоқда. Таъминот ва боғчаларда тузилаётган таомномалар. Мутахассислар фикрича, гўшт ва бошқа маҳсулотлар нархини бозор нархидан ошираётган, ўз вазифасини суиистеъмол қилаётган таъминотчилардан тезроқ воз кечиш, тендер танловлари ўтказишни тартибга солиш лозим. Кўп жойларда оддий қоғозга ёзилган таомномаларни кўрдик. Уларда қайд этилган масалликларнинг қозонга тўла тушишига ишониш қийин. Таклиф шуки, алоҳида, муҳрланган «Таомнома китоби» жорий этилса. Уларни молия идоралари, халқ таълими бўлимлари муҳрлаб берсачи? Ўшанда ҳеч нарса йўқотилмайди, масъулият ошади, энг муҳими, болажонлар дастурхонига барака киради.

### 100 ГРАММ ЎРНИГА 23 ГРАММ ГЎШТ

Ғаллаорол туман халқ таълими бўлимидан тақдим этилган маълумотга қараганда, бугун туманда 2090 ўринли 15 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 849 нафар бола қатнаяпти. 2004 йилда болалар боғчаларини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш амалдаги меъёрга нисбатан 37 фоизни, шакар 68 фоизни, сариёғ 51 фоизни, полиз ва сабзавот маҳсулотлари 97 фоизни ташкил этган. Ўсаётган организм учун зарур бўлган балиқ маҳсулотлари, пишлоқ, қаҳва, сузма, қаймоқ эса умуман берилмаган. «Махсуссавдо» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, йил бўйи 90 миллион 657 минг сўмлик ўрнига 88 миллион 122 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олинган.

Аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида **вилоят санитария-эпидемиология маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири Юсуф Бозорбоев** билан «Учқунча» болалар боғчасида бўлдик. Шу куни 140 ўринли боғчага 69 нафар бола келган экан (бу эллик фоиздан ҳам кам дегани). Айни тушлик пайти бўлгани учун болаларга берилган овқатга назар ташлаймиз: гўшти кам. Дастлабки таҳлил натижасида шу куни боғча тарбияланувчилари белгиланган 100 грамм ўрнига, бор-йўғи 23 граммдан гўшт истеъмол қилгани маълум бўлди.

— Гўшт-ку, ҳар ҳолда бор, — дейди **боғча мудираси М.Тожибоева.** — Лекин ўтган йили витаминларга бой қаймоқ, пишлоқ, сузма, қаҳва, балиқ ва балиқ маҳсулотларини умуман ололмадик. Таъминотчи ташкилотдагилардан сўрасак, елка қисишади.

Маълум бўлишича, боғчага январь ойи мобайнида умуман шакар берилмаган. Таомномалар эса охиригача тўлдирилмаган, омбор мудири, тиббиёт ходими, боғча мудираси томонидан тасдиқланмаган.

«Ирмоқча» номли болалар боғчасида эса бундан-да ташвишлироқ ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда на боғча мудираси, на тиббиёт ҳамшираси, на омбор мудирини учратдик. Таомномалар тузилмаган. Шу куни боғчага келган 58 нафар боланинг нима еб, нима ичаётганини билишнинг иложи бўлмади. Фақатгина Лола Исмоилова тарбиячи бўлган ўрта гуруҳдаги беш ёшли Ҳумоюн Ҳамзаевнинг бурро-бурро сўзлашича, боғчада у анчадан бери шакар, сариёғ емаётган экан. Болада, тўғрисини айтди-қўйди.

— Республика бош санитария-эпидемиология врачи томонидан 2000 йил 1 июлда тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикасидаги болалар ва ўсмирлар муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотларининг бир кунлик рационал меъёрлари»**да уч ёшгача бўлган болалар бир кунда 60 граммдан, уч ёшдан олти ёшгача 100 граммдан гўшт, 35-40 граммдан шакар, 12-20 граммдан сариёғ, 5-7 граммдан ўсимлик ёғи, 420-500 граммдан сут ва сут маҳсулотлари, 5 граммдан қаймоқ, 40 граммдан сузма, 3-5 граммдан пишлоқ, 20-30 граммдан балиқ маҳсулотлари, 0,25-0,5 донадан тухум, 180-205 граммдан сабзавот, 90-100 граммдан мева шарбатлари, бир граммдан какао истеъмол қилишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган, — дейди **мутахассис Юсуф Бозорбоев.**

Дарвоқе, ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки ойида тумандаги болалар боғчаларида болаларни меъёрий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича бирор иш қилинмади, деган фикрдан йироқмиз. Лекин қилинаётганлари кўп ҳолларда охирига етказилмай чала қолиб кетгани, назорат бўшаштириб юборилгани бор гап. Тўғри, айбдорларга нисбатан маъмурий чоралар ҳам қўлланилган. Аммо, ножўя ишлар, яъни меъёр бўйича таом тайёрламаслик, таомномаларни пала-партиш тузиш ёки умуман тузмаслик, шу тариқа болаларнинг ҳақига хиёнат қилиш ҳолларининг давом этаётганига нима дейиш мумкин?

### БОЛАЛАРНИНГ АЙБИ НИМАДА?

— Тайлоқ туманида жами 36 та болалар боғчаси бўлиб, шундан 6 таси иситиш тизими носозлиги боис ёпиб қўйилганди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири. — Тўғриси, айрим муаммолар мавжудлиги боис, боғчаларимиздаги бугунги аҳволдан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Мудирнинг тавсиясига кўра, вакиллар иштирокида 2-сон болалар боғчасида бўлганимизда, у ердаги ҳолат кўнглимизни хира қилди. 100 ўринга мўлжалланган боғчага айни пайтда 89 нафар бола қатнамоқда. Таомномалардаги қайдларга кўра, февраль ойининг бошидан шу кунга қадар ҳар бир бола учун бир кунлик овқатланиш ўртача 281 сўмни ташкил этмоқда. **Муассаса мудираси Сайёра Бахронова**нинг сўзига қараганда, **боғчага ўн кундан буён гўшт келтирилмаган... Эрталабки нонуштада болаларга ширин чой ва нон, тушликда иссиқ овқат, кечки таомга эса бир бурда нону 30 грамм колбаса берилаётган экан. Булар боланинг соғлом ўсиши учун етарли озуқа бўла оладими? Устигаустак, ошхонадаги аҳвол санитария талабларига жавоб бермайди.**

35 нафар бола тарбияланаётган 3-сонли боғчада иситиш тизими ишламайди. 28, 37-сон болалар боғчалари эшигига қиш бошлангандаёқ қулф осилган экан...

Вилоятда замонавий, намунали болалар боғчалари оз эмас, албатта. Аммо, нега бирида яхши, бирида ёмон бўлиши керак? Болаларнинг айби нимада? Ахир гап шунчаки боланинг қорнини тўйғазиш ҳақида кетмаяпти, балки ёш авлод соғлиги, миллат саломатлиги ҳақида кетаяпти.

### БИРИДА УНДОҚ, БИРИДА БУНДОҚ

Бугун Навоий шаҳрида бири-биридан яхши болалар боғчалари оз эмас. Азамат кончилар, саноатчилар, кимёгарлар фарзандлари тарбияланаётган Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли 12 та, шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 26 та боғча фаолиятига назар ташласак, бунга ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, кичкинтойлар соғлом турмуш тарзи учун сув билан ҳаводек зарур бўлган 24 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг мазкур боғчаларда тўлиқ мавжудлиги, соғломлаштириш комплекси, компьютер тўгараклари, инглиз тилини ўрганиш ва мактабга тайёрлаш курслари иши намунали йўлга қўйилган.

Биз 13-сон болалар боғчасида бўлганимизда айни тушлик вақти экан. Барча хоналар батартиб, болалар дастурхонида нафақат гўштли таом, балки қовурилган балиқ, мева-сабзавотлар, ҳар хил шарбатлар муҳайё қилинган. Шунингдек, ушбу ҳолатни 10, 26-сонли боғчаларда ҳам кўриш мумкин.

Афсуски, шундоққина Навоий шаҳрига туташ Кармանадаги болалар боғчаларида бошқача манзарага дуч келдик. Туманда мавжуд бўлган 27 та боғчанинг кўпларида болалар истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари, сифати талабга жавоб бермайди.

«Бинафша» номли 7-сон болалар боғчаси 1981 йилда 2 қаватли мослаштирилган бинода ташкил этилган экан. Қаровсизлик оқибатида томдан чакка ўтган, болалар кроватлари, ўрин-кўрпалар яроқсиз ҳолда. Алмисоқдан қолган стол-стуллар синиб, қийшайиб ётибди. Шароит ёмонлиги сабаб, рўйхатдаги 75 нафар кичкинтойдан атиги 53 таси боғчага қатнаётган экан.

«Лола» номли 5-сон болалар боғчаси ҳам ачинарли аҳволда. 120 ўринли ушбу масканда бор-йўғи 66 нафар кичкинтой бор экан. Боғча санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермаслиги, ишлар тўғри ташкил этилмагани боис яқинда мудира алмаштирилган. 20-сон «Гуллола» болалар боғчасида ҳам юқоридаги аҳвол. **Мудира Тамара Бобоева**нинг қайд этишича, боғча қурилганига 33 йил бўлибдики, ҳали бирор маротаба капитал таъмирланмаган. 62 ўринли муассасада 49 нафар бола тарбияланяпти...

Ота-боболар таъбири билан айтганда, «йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган» бир пайтда, болалар витаминга бой ноз-неъматлар, қаймоқ, сузма, пишлоқ, сариёғ, балиқ ва парранда гўштини ойлаб кўришмайди. Қайси бир боғча ошхонасида бўлманг, гўшт, сабзи-пиёз ва ундан тайёрланган таомларни кўрасиз, холос.

Ачинарлиси, Навбаҳор, Хатирчи, Конимех туманларида ҳам бу каби наридан-бери ишлаб турган боғчаларни учратиш мумкин...

### БОҒЧА МУДИРАСИ ЙЎҚ ЭКАН...

Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 45-сон болалар боғчаси бугун вилоятдаги энг намунали масканлардан. Ҳозирги кунда ушбу мактабгача таълим муассасасида 212 нафар бола тарбияланмоқда. Боғча ошхонасидаги тозалик, саришталик эса намунали хизмат йўлга қўйилганидан дарак беради.

— Мана булар тайёрланган озиқ-овқатлар намуналари, — дейди **бош ошпаз Зайнаб Холиқова.** — Нонуштада болаларга сутли бўтқа, сарёғ, нон берилди. Тушликка ҳам 2-3 хил овқат пиширдик...

Хўш, Андижон шаҳрида ибрат олса арзигулик боғчалар бор экан, туманларда аҳвол қандай?

Жалақудуқ туманидаги 22-болалар боғчасида бўлганимизда, тарбиячи ва энага шу куни боғчага 9 нафар бола келганини айтишди. Улардан нонушта ва тушликда нима еганини суриштириб, яқин орада сарёғ, гўштли иссиқ овқат тановул қилмаганликларини билиб олдик. Батафсилроқ маълумот олиш учун боғча мудирасини қидирдик. Афсуски, у ўша куни ишда йўқ экан. Савол туғилади: боғчанинг бугунги ночор аҳволидан мутасаддиларнинг хабари бормикин?

**«Ўзбекистон овози» мухбирлари Юнус УЗОҚОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Шуҳрат ҚАРШИЕВ, Музаффар ШАРОПОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ тайёрладилар**

### ТАҲРИРИЯТДАН:

**Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотга кўра, республикамиздаги 6626 та мактабгача таълим муассасасида 592615 нафар болага 66153 нафар педагог тарбия бермоқда. Айрим сабабларга кўра, вақтинча ёпиб қўйилган болалар боғчалари сони 138 тани ташкил этади.**

**Аввало, шуни айтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб замонавий болалар боғчалари қурилди. Бу масканлардаги шароитни яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Бугун республикамизда маълум бир соҳага ихтисослашган, масалан, хорижий тилларни ўргатадиган, спорт йўналишидаги болалар боғчалари ҳам пайдо бўлди. Афсуски, бу соҳада ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали оз эмас. Қаердадир таъмирталаб бинолар бор. Газсиз, иситиш тизимларисиз қолиб кетган болалар боғчалари қанча. Тегишли жиҳозлар билан таъминланмаган, ҳатто кўрпа-тўшаги муаммога айланган болалар боғчалари ҳам йўқ эмас. Уларга ажратилган маблағларни талон-торож қилиб, гўдаклар ҳақидан ўмариб келаётганлар учраб турибди. Ҳаммаси бор нарса, ҳамма кўриб-билиб турган воқеалар булар. Биз ҳатто бу нуқсонларга шу даражада ўрганиб кетганмизки, кўриб турсак-да, гўё шундай бўлиши керакдек индамай кетаверамиз.**

**Биз Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан болалар боғчаларида озиқ-овқат таъминотининг аҳволини ўрганиш жараёнида шундай фикрга келдик: ибратли тажрибалар кўп, аммо учта асосий муаммо борга ўхшайди. Бу муаммолар жиддий таҳлил ва таклифларни, чора-тадбирларни талаб этади.**

**Биринчи муаммо — барча болалар боғчалари бинолари замон талабида бўлишига эришиш;**

**Иккинчи муаммо — болалар боғчаларини малакали тарбиячилар ва шифокорлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш;**

**Учинчи муаммо — барча болалар боғчаларини талаб даражасидаги, белгиланган тартибдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйиш.**

**Тўғри, бу ишларни бирданига амалга ошириш қийин, албатта. Вақт, маблағ муаммолари бор. Аммо, барча ички имкониятлардан фойдаланиб, болалар боғчаларига эътиборни янада кучайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Нега қайсидир шаҳардаги болалар боғчаларида ҳамма шароит яратилиши керагу бошқа жойда ўз ҳолига ташлаб қўйилиши керак?**

**Яна бир мулоҳаза, мактаб миллат тақдирини ҳал этадиган муҳим ва қудратли муқаддас даргоҳ. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тарихий ишлар амалга оширилмоқда, узоқ йиллар ҳукм суриб келган лоқайдликка чек қўйилди. Аммо, таълим-тарбия илдизи болалар боғчаларига бориб тақалишини ҳисобга олсак, хаёлга кўп мулоҳазалар келади. Инсоннинг характери шаклланиши, жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши болалар боғчасида олган тарбияси, еган овқатига боғлиқлигини англаш учун мутахассис бўлиш шарт эмас. Бугун болалар боғчасига қанча кўп эътибор берилса, фарзандларимиз тарбияси, саломатлиги шунча мустаҳкам бўлади. Яхши тарбия кўрган, илиги тўқ бўлиб ўсган боланинг ҳаётида (айни чоғда жамият ҳаётида ҳам) муаммо кам бўлади.**

**Ҳурматли педагоглар, шифокорлар ва ота-оналар, сиз бу масалага қандай муносабатдасиз? Таклиф ва фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.**

---

ЎзХДП ҳаётидан

## ТЎҒРИ ЙЎЛ ТАНЛАДИМ

Бу йилги Наврўз байрами Тўрақўрғон туманидаги 20-«Парвоз» номли болалар боғчаси жамоаси учун унутилмас бўлиб қолди.

48 киши меҳнат қиладиган бу масканда 178 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Унга ХДП фаоли, партиямиздан туман кенгаши депутати Қаноатхон Қорабоева раҳбарлик қилади.

Байрам даврасида тарбиячилар кичкинтойлар иштирокида тайёрланган адабий композиция намойиш қилинди.

Шундан сўнг олдиндан ариза берган 15 нафар ёш тарбиячи-мутахассисга туман партия кенгашининг биринчи котиби Орифжон Охунов ХДП аъзолик билетларини топширди.

Биз партиямизга аъзо бўлган ёш тарбиячиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Гулмира ҲАКИМОВА:**

*— Бизнинг Шаҳанд қишлоғида 28000 киши истиқомат қилади. Атрофга разм солсам кўп таниқли кишилар ХДП аъзолари экан. Шундан сўнг ҳар бир сиёсий партияни алоҳида-алоҳида ўрганиб кўрдим. Халқ демократик партиясининг сайловолди ҳаракат дастури менга маъқул келди. Мен ўз йўлимни тўғри танладим, деб ҳисоблайман.*

**Замира ҚОДИРОВА:**

*— Ростини айтсам, сайловолди теледебатларда партиялар вакилларининг чиқишларини кузатиб, ХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим. Чунки партия вакиллари халқчил ғояларни камтаринлик, оғир-вазминлик билан илгари сурдилар. Шундан сўнг, мен ўз сиёсий эътиқодимни ХДП билан боғлашга қарор қилдим. Бу партиянинг мақсадлари ҳам нисбатан ёрқин. Қолаверса, ёшларга эътибор борасида ҳам партия дастурида катта ўрин ажратилган.*

**Умида АҲМАДАЛИЕВА:**

*— Ёшлигимдан мен ҳам сиёсий партия сафида жамоатчиликка наф етказишни орзу қилардим. Ўқишни якунлаб, ишга келганимдан сўнг раҳбаримиз Қаноат опа Қорабоеванинг шаҳди, ғайратини кузатиб юриб унга ўхшаган фаол бўлишни ният қилдим.*

*Зора, ХДП сафида партия ғояларини амалда тарғиб қилиб, элга фойдам тегса, ишонч қозонсам. ЎзХДП дастурий ғоялари менинг орзуларимга жуда-жуда мос.*

Партиямиз сафига қўшилган, қўшилаётганларнинг қарашлари, ёндашувлари ўзига хос. Энг муҳими, Сўл қанот йўналишини танлаб олган ЎзХДП сафи имон-эътиқоди мустаҳкам фаолларимиз ибрати билан кенгаймоқда, мустаҳкамланмоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

---

## «ҚАРИЯЛАР МАРКАЗИ»

Мамлакатимизда меҳнат фахрийлари, ёши улуғ инсонлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қарияларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қарияларнинг сиҳат-саломатликларини муҳофазалаш, малакали тиббий ёрдам, ёлғиз қолган кексаларга ҳомийлик хизмати кўрсатиш соҳаси ҳам тобора ривожланиб боряпти. Шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳам кексалар, ижтимоий кам таъминланган оилаларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатяпти.

АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Samaritan's Purse» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён фаолият юритади. Ташкилотнинг «Қариялар маркази» бу борада хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда америкалик болалар юртимиздаги тенгдошларига йўллаган турли хил совғалар, 750 та ногиронлик аравачасини марказ вакиллари муҳтож ҳамда кам таъминланган оилаларга топширдилар.

«Қариялар маркази»да кар-соқовлар учун «Имо-ишора, хатти-ҳаракат тили»ни ўргатиш курси тенгловчиларни бепул ўқитади.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

## 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Мамлакатимизда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида аҳолига тиббий хизмат турларини кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш борасида кенг кўламда тадбирлар амалга оширилмоқда. Оқдарё тумани маркази Лойиш шаҳарчасида замонавий услубда қурилган шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими айни Наврўз кунлари фойдаланишга топширилди.

Тиббий марказда 18 нафар врач, 64 нафар ҳамшира, 24 нафар кичик тиббиёт ходимлари аҳолига малакали хизмат кўрсата бошлади. Зеро, лойишликлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда марказ фаолиятининг аҳамияти катта бўлади.

**Суратда:** шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими биносининг умумий кўриниши.

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат**



---

**1 апрель — Халқаро қушлар куни**

## ОСОЙИШТА

**Одамзот азалдан ҳайвонот оламига шафқатли, қушларга меҳрли бўлишни юксак фазилат деб билган. Буюк шоиримиз Алишер Навоий болалигида шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут тайр» достонидан қаттиқ таъсирлангани маълум. Кейинчалик у ўзининг машҳур «Лисонут тайр» («Қуш тили») асарини яратди. Чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой бу достондаги Симурғ (ўттиз қуш) тимсоли Шарқ фалсафасида, тасаввуф таълимотида катта ўрин тутади. Ўзбекистонимизнинг гербида ҳам бахт қуши — Ҳумо тасвири нақшлангани бежиз эмас. Ҳамиша яхшилик ва поклик тимсоли бўлган қушларнинг табиатда ҳам алоҳида ўрни бор. Айнан баҳор ойларида 1 апрель — Халқаро қушлар куни сифатида белгиланганини бежиз эмас.**

**Орнитология — қушларни ўрганувчи фаннинг бугунги аҳволи, ютуқлари, муаммолари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти умуртқали ҳайвонлар экологияси бўлими мудири, биология фанлари доктори Элмурод ШЕРНАЗАРОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

— Қушлар куни бутун дунёда айнан баҳор ойларида, нишонланади. Хусусан, бизда ҳам бу санани байрам қилиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Жумладан, яқинда Сурхондарё вилояти мактаб ўқувчилари орасида «Турналар куни»ни нишонлаб қайтдик. Баҳорда табиатда уйғониш даври бошланиши билан қушларда ҳам миграция, яъни бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш жараёни юз беради.

Қушларнинг табиатдаги ўрни беқиёс. Улар кўпроқ ҳашаротлар (чигиртка, қўнғиз ва бошқа) билан озиқланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини муҳофаза қилади ва атроф-муҳитни тозалайди. Улар орасида, албатта, зараркунандалари ҳам бор. Майна, чуғурчуқ каби қушлар мева ва дон маҳсулотлари билан озиқланади. Шунингдек, қушлар ўзининг ташқи гўзаллиги ва сайроқилиги билан ҳам инсонни ўзига мафтун этади. Булбул, бедана, каклик сингари сайроқи қушларнинг ажойиб хонишидан инсоннинг асаблари тинчланади, завқланади.

**— Ўзбекистонда қайси қуш турлари «Қизил китоб»га киритилган?**

— Марказий Осиё ва Ўзбекистонда 450 дан зиёд қуш турлари мавжуд бўлиб шундан 80 га яқини, афсуски, йўқ бўлиб кетиш хавфи арафасида турибди. Улардан 70 га яқини «Қизил китоб»га киритилган. Жумладан, қизилқанот, қора ва оқ лайлак, қизғиш сақоқуш, чинқироқ ғоз, оқбош ўрдак, торғоқ, кичик қоравой, сариқ қўтон, оқ қушшипун, қошиқ бурун кабилар ноёб сув паррандаларига киради.

Республикамизда мавжуд қушлар уч гуруҳга — ўтроқ, қишловчи ва келиб-кетувчи турларга бўлинади.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# «ПАХТА БАНК» АКЦИЯЛАРИ — ДАРОМАД МАНБАИ

**Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар банкдан унга нисбатан янгича ёндашувни, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг бозор тартиб-қоидаларини жорий этишни тақозо этади. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар, моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, фермерликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни «Пахта банк»нинг барча бошқарма ва филиаллари ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Улар қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, ширкатлар аҳволини яхшилаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.**

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Пахта банк» акциядорларининг йиллик умумий мажлиси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан «Пахта банк»нинг акциядорлари қуйидаги фикрларни билдиришди:**

**Атоулло РИЗАЕВ, Навоий вилояти Кармана тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали мудири:**

— Аввалабмор шуни айтиш керакки, 2004 йил давомида республикамиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Асосан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, тармоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, соҳада хўжалик юритишнинг турли шаклларини жорий қилиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар қатламини яратиш каби ишлар ижобий натижалар берди. Иқтисодий ислоҳотлар жараёни жадаллаштирилгани, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштириш ишлари амалга оширилгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ширкатлари тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил қилингани айни муддао бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш жоиз. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш, яъни, эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосий йўналишлардандир.

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири — мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборат. Мамлакатда хусусийлаштириш жараёни билан баробар равишда қимматли қоғозлар бозори шаклланиб, иқтисодиётда акциядорлик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ривожлана бошлади. 2004 йил «Пахта банк» учун қимматли қоғозлар бозорида ўз мавқеини янада юксалтириш йили бўлди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, «Пахта банк» мамлакат тижорат банклари орасида биринчи бўлиб ривожланган давлатлар амалиётидаги тажрибага ёндашган ҳолда халқаро андозаларга мос келадиган ва мустаҳкам банк инфратузилмасини ташкил қилиш ҳамда республикамиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаб келаётган корпоратив қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини яхшилаш мақсадида банкнинг «PAXTA-SERVIS» депозитарийсини ташкил қилиб, қимматли қоғозлар бозорида бирламчи дилер сифатида фаол қатнашиб келаётгани ҳаммага маълум.

Ҳозирги кунда корхонамиз акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Кармана филиали билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб келмоқда. 2005 йилнинг 1 март ҳолатига кўра жами 16699 дона «Пахта банк»нинг оддий акцияларига эгалик қилиб келаяпмиз. Кармана «Қишлоқхўжаликкимё» филиали эса 1980 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунда унда 56 та ходим фаолият кўрсатмоқда. 2004 йил натижалари бўйича 20500,0 минг сўм даромад олдик.

**Абдужаббор АСАДОВ, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти раиси:**

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўтган қарийб 14 йил ичида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси ўлароқ, республика банк тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Бироқ, ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш билан бирга миллий валютамиз қадрини ошириш, четдан олиб кириладиган сармояларга кенг йўл очиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар ҳамон давр талаби бўлиб турибди.

Навоий вилоят «Пахта банк» бошқармаси Президентимизнинг Фармонлари ва ўртага қўйган вазифаларини амалга ошириб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариб инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, халқаро молиявий бозорлардаги операцияларини кенгайтириш, филиаллар тармоғини ва мижозлар базасини ривожлантириш, кичик бизнесни молиялаш ва кредитлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолаш мумкин.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида 2005 йил давомида банклар олдида устувор вазифа — банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш, маблағларини инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш лозимлиги айтиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда «Пахта банк» устав капитали миқдорини янада кўпайтиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Қизилтепа туман «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти «Пахта банк»нинг 10410,0 минг сўмлик, яъни 10410 дона акциясини сотиб олиб, банк устав фондининг кўпайишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўз навбатида акцияларимиз эвазига ҳар йили юқори фоизда дивидендлар олаяпмиз. Бу «Пахта банк»нинг барқарор фаолият юритаётганидан далолат.

Банк филиалида олиб борилаётган ижобий ишлар натижасида ҳиссадорлик жамиятининг молиявий аҳволи янада яхшиланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли қарорига асосан ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карталар орқали тўлаб борилиши кўзда тутилган бўлиб, туман «Пахта банк»и томонидан 600 нафар мижозга пластик карталар тарқатилди, шундан 140 таси бизнинг жамоамиз ходимларига берилди. Бу пластик карточкалар билан ҳозир тумандаги махсус савдо шахобчаларидаги терминалларда муомала қилинаяпти.

✧✧✧

Хулоса шуки, «Пахта банк» томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати жойларда яхши имкониятларга йўл очмоқда. Чет эл инвестицияларининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига кириб келиши ва уларнинг ривожланишида ҳам банкнинг хизмати катта. Жумладан, Қизилтепа «Пахта банк» филиалида амалга оширилаётган ишлар бунинг дангал тасдиғидир.

XORIJDA

ЖАЗОИР САММИТИ:

Шарх

# АРАБ ДУНЁСИ ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА

Араб давлатлари лигаси кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлар жумласига киради. Бу ташкилот 1945 йилда араб давлатлари суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган эди. Ҳозир ташкилот фаолиятининг қамрови кенгайиб кетган ва халқаро ҳаётнинг араб дунёси билан боғлиқ барча жиҳатларини ўз ичига олади. Айни пайтда унга Миср, Ироқ, Сурия, Ливан, Ливия, Иордания, Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Уммон, Яман, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Жазоир, Тунис, Марокаш, Мавритания, Сомали, Жибути ва Фаластин аъзо. Ташкилотнинг бош қароргоҳи Қоҳира шаҳрида жойлашган. Лига Кенгаши олий раҳбар орган ҳисобланади. Ташкилот иш фаолиятини Бош котиб юритади. Ҳозир бу лавозимда мисрлик таниқли дипломат Амр Мусо ишлаб турибди.

Яқинда, яъни 2005 йил март ойининг охирида Жазоирда Араб давлатлари лигасининг олий даражадаги саммити бўлиб ўтди. Анжуманда барча араб давлатларининг раҳбарлари ва бошқа айрим давлатлардан ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этишди. Саммитда жаҳон кун тартибида турган долзарб масалалар билан бирга, Яқин Шарқдаги вазиятнинг ҳозирги ривожланиш жараёни, Сурия ва Ливан атрофида бўлаётган воқеалар, Ироқ ҳамда Судандаги аҳвол муҳокама қилинди. Шунингдек, саммит ишида ташкилотнинг ички тизимларида ислоҳотлар ўтказиш ҳамда араб давлатларида уларнинг тарихий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб ва ташқаридан тазйиқ ўтказишга йўл қўймаган ҳолда ўзгаришлар қилишга эришиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Жазоир президенти Абдулазиз Бутефлика ўз нутқини асосан араб давлатларидаги демократик ўзгаришларга бағишлади. Унинг фикрича, бу борадаги ислоҳотнинг суръатини араб дунёсининг ўзи белгилайди, бунга ҳеч қандай ташқи таъсирнинг кераги йўқ. Шунингдек, у араб дунёси ҳозир ислоҳотлар жараёнида эканлигини, бироқ янги глобал стратегия ҳақида гап борганида араб маданияти ва бирлиги ўта муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Ливия раҳбари ҳам араб дунёси маданиятини ва арабларнинг анъаналарини ҳамда қадриятларини сақлаш ҳақида гапирди. Шу билан бирга, у Яқин Шарқдаги можарога, Сурия — Ливан муносабатларига, БМТни ислоҳ қилишга, Африкадаги қабилачилик турмуш тарзига, терроризмга, ғарб демократиясига Ливиянинг қарашларини баён қилди. Анжуманда БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳамда бир қанча ғарб сиёсатчилари сўзга чиқишди.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, саммитда араб давлатлари парламентини тузиш, Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш бўйича умумараб ташаббусларини ишлаб чиқиш комиссияси таркибини шакллантириш, шунингдек Араб давлатлари лигаси Уставига ўзгартиришлар киритиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар, шубҳасиз, араб дунёси олдида турган муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Саммитда «Умумараб оиласининг стратегик ҳужжати» имзоланди. Бир сўз билан айтганда, умумараб анжумани араб давлатлари ўртасида интеграцияни кучайтиришга, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда биргаликда лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишга, эркин савдода умумараб ҳудудини вужудга келтиришга хизмат қилади. Ташкилот Бош котиби Амр Мусо анжуман якунида баёнот бериб шундай деди: «Олий даражадаги умумараб учрашувининг қарорларига кўра, барча араб мамлакатларида ислоҳот йўли давом эттирилади. Араб дунёси бундан кейин ҳам тараққиёт йўлидан бориб, демократик институтларни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш ниятида».

Араб давлатлари Лигаси арабларнинг тинчлик ташаббусларини илгари суриш учун «учлик» ташкил этади. Дастлаб бу «учлик»ка Тунис, Жазоир, Судан таклиф этилди. Сўнгра Фаластин, Сурия, Ливан тилга олинди. Бошқа номзодлар ҳам айтилди. Ниҳоят мунозаралардан сўнг «учлик»нинг таркиби ва унинг фаолияти асослари бу йилги саммит раиси, Жазоир президенти Абдулазиз Бутефлика томонидан маслаҳатлашувлар йўли билан аниқланадиган бўлди.

Якдиллик билан қабул қилинган «Жазоир декларацияси» деб номланган баёнотда Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш юзасидан Лиганинг 2002 йил Байрутдаги анжуманида маъқулланган тинчлик ташаббуси яна қўллаб-қувватланди. Ана шу ташаббусда Исроилнинг барча босиб олинган ҳудудлардан чиқиб кетиши ва 1967 йилдаги чегарага қайтиши, мустақил Фаластин давлатини тан олиши ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 194-резолюцияси асосида фаластинлик қочоқлар масаласининг ижобий ҳал этилиши кўзда тутилган. Кейинги пайтда Фаластин — Исроил муносабатларида ижобий ҳолатлар кузатилаётганлиги, шубҳасиз, Яқин Шарқ можароси бартараф этилиб, келажакда минтақада тинчлик ўрнатилишига умид уйғотмоқда.

Лиганинг навбатдаги саммитини 2006 йилда Суданда ўтказиш мўлжалланмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи**

# МИЛЛИАРДЕРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ РЎЙХАТИ

Американинг Forbes журнали дунёнинг энг бадавлат инсонлари рўйхатини эълон қилди. Бу галги рўйхатда 671 миллиардер қайд этилган.

Рейтинг жадвалида жуда кўп янги исмлар пайдо бўлди. Кузатувчилар буни доллар қиймати пасайиши ва дунё иқтисодиётининг фаоллашуви билан боғлашмоқда.

Рўйхат бошида аввалгидек Microsoft компанияси асосчиси ва раҳбари Билл Гейтс турибди. Экспертлар у эгалик қилиб турган капитал 46,5 млрд. долларга тенг деб ҳисоблашмоқда. Иккинчи ўринни афсонага айланиб бораётган инвестор, Berkshire Heathaway компанияси раҳбари Уоррен Баффет эгаллади. Унинг ҳисоб рақамида 44 миллиард долларлик маблағ бор.

Яқиндагина учта компанияни бирлаштириб, дунёда энг йирик пўлат қуювчи корхонага асос солган ҳинд миллатига мансуб британиялик Лакшми Миттал 25 миллиард долларга эга.

Кейинги ўринларни телекоммуникация соҳаси билан шуғулланувчи мексикалик Карлос Слим Эллу (23,8 миллиард), асосий машғулоти инвестиция киритиш бўлган Саудия шаҳзодаси Алвалид бин Талал (23,7 миллиард), Швециянинг IKEA компанияси асосчиси Ингвар Кампрад (23 миллиард), Microsoft компанияси асосчиларидан ва коинотни жон дилидан яхши кўрувчи Пол Аллен (21 миллиард), Albrecht's Discount немис супермаркетлар тизими эгаси Карл Альбрехт (18,5 миллиард), ҳамда Oracle компанияси раҳбари Лоуренс Эллисон (18,4 миллиард) эгаллаб туришибди.

Forbes журнали навбатдаги энг бадавлат одамлар рўйхатидан кейин улар яшайдиган уйлар рейтингини ҳам эълон қилди. Дунёнинг энг бой одамлар қароргоҳларига қанча пул сарф қилиши ва қандай уйларда яшаши ҳаммани қизиқтиради, албатта.

Американинг турар-жой қурилиши билан шуғулланувчи ассоциацияси берган маълумотларга қараганда, ўртаҳол америкаликнинг уйи 185 квадрат метрдан иборат бўлиб, аксариятида учта ётоқхона ва анъанага кўра битта камин мавжуд.

Бадавлат одамлар уйларини қўлдан келганча шинам қилишга интилишади. Шунинг учун бўлса керак, миллиардерларнинг уйидаги ётоқхоналар ўнтадан кам эмас. Мисол учун Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтснинг уйи ўртаҳол америкаликнинг уйидан 30 баробар катта экан. Унинг Сиэтл яқинидаги Вашингтон кўли ёнида жойлашган уйи 6 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, унда сувости мусиқа тизими билан жиҳозланган 20 метрли бассейн, шахсий кутубхона ва 100 квадрат метрли ошхона бор.

Бироқ Лондоннинг Kensington Palace Gardens деган жойида қурилган ва 128 миллион долларга баҳоланган энг қиммат уй Лакшми Митталга тегишли. Айтишларича, бу уй саройни эслатади, ундаги бассейн ҳам қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Саройдаги 20 та автомобилга мўлжалланган гаражга эса Тож Маҳал қурилиши учун ишлатилган мармардан ишлов берилган экан. Бундан ташқари Миттал Лондонда яна битта уй, Делфи, Индонезия ва Тринидаддаги бир неча қароргоҳларга эгалик қилади.

Бироқ статистик маълумотларга кўра, бадавлат одамларнинг барчаси ҳам кошонада яшашни хуш кўрмас экан. Миллиардерлар рўйхатида иккинчи ўринни эгаллаб турган Berkshire Hathaway компанияси раҳбари Уоррен Баффет миллиардер эмас, миллионердай яшайди. Агар Баффет пулларининг 20 фоизини турар-жойига сарф қилса, унинг уйи 8,8 миллиард долларга, яъни Исландиянинг йиллик ялпи ички маҳсулоти баҳосига тенг бўлар экан.

## Қутқариш ишлари давом этмоқда

Индонезия ҳукумати Суматра ороли қирғоғида рўй берган зилзила оқибатларини бартараф қилиш ҳаракатларини давом эттирмоқда. Расмий маълумотларга кўра, зилзила натижасида минг одам ҳалок бўлган.

Талафот кўрган Ниас ва яна иккита оролга Индонезиянинг иккита ҳарбий кемаси юборилди. Австралия томони Сингапурдан икки юк самолёти ва ҳарбий кема жўнатди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши озиқ-овқат, чодир ва бошқа зарур воситаларни етказишда қийинчилик туғдирмоқда.

Ниас оролининг асосий шаҳрида қулаган бинолар тагидан жасадларни олиб чиқиш ва қутқарув ишлари давом этмоқда.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

***2005 йил 5, 12 май кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:***

*«Ўзкимёсаноат» ДАК таркибидаги ходимларнинг малакасини ошириш институтига қарашли:*

*1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида жойлашган малака ошириш институтининг ўқув корпуси.*

***Бошланғич баҳоси — 300 542 800 сўм.***

*2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида жойлашган малака ошириш институтининг ётоқхонаси (маиший биноси билан).*

***Бошланғич баҳоси — 259 974 000 сўм.***

*Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.*

*Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.*

*Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғарма банкининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.*

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

*Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.*

***Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.*

**Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26.**






# ОСМОН ТИМСОЛИ

**— Яқин-яқинларгача Судачи кўли келиб-кетувчи қушларнинг «аэропорти» — қўналғаси деб эътироф этилarди. Афсуски, баъзи кўлларимиз кичрайиб боряпти. Бу ҳолнинг қушлар оламига ҳам таъсири борми?**

— Умуман, қушларга қайси ҳудуд яшаш учун қулай бўлса, ўша жойда ўтроқлашади ёки қишлайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд сунъий кўлларнинг кўпчилигида сувда яшовчи турли қушларни учратиш мумкин. Ўтган асрнинг 60-йилларида миграциялашадиган қушлар Орол денгизи ҳамда Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган кўллар орқали учиб ўтган бўлса, сунъий кўлларнинг пайдо бўлиши уларнинг йўналишини ўзгартирди. Кўчиш даврида қушлар озиқланиши, дам олиши табиий ҳол. Шунинг учун айрим сув ҳавзалари уларга йўл-йўлакай тўхтаб ўтиш жойи вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда Айдаркўл, Денгизкўлларда сувда сузувчи ва суволди қушларини кўплаб учратиш мумкин. Судачига келсак, бу кўлнинг суви анча камайиб кетган. Бунинг устига у шимолий ҳудудда жойлашгани учун йилнинг совуқ ойларида музлаб қолади. Бу эса, табиийки, қушларнинг кўлга кам қўнишига сабаб бўлмоқда. Қушлар табиатан экологик ўзгаришларни тез илғаш хусусиятига эга. Улар табиатдаги салбий ҳодисалардан кўплаб талафот кўряпти.

**— Табиатда фасллар алмашиши, кўклам «хабарчи»си бўлмиш турналарнинг осмонда турли шакллар ясаб арғимчоқ ташлаб учишини кузатиш жуда завқли. Айтинг-чи, турналар асосан қаерда қишлайди, қандай кўпаяди?**

— Ўзбекистонда турнанинг уч хил — оқ, кулранг ва қора тури учрайди. Оқ турна «Қизил китоб»га киритилган. 1980 йилларда уларнинг сони тахминан мингтани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 300 тага камайганлиги кузатилган. Оқ турна Сибир тайгаларида уя қуради. Миграция жараёнида Қозоғистон, Россия ва Озарбайжон орқали Эронга бориб қишлайди. Уларнинг баъзи гуруҳлари Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Афғонистон орқали Покистонга учадилар. Хитой, Афғонистон ва Ҳиндистонда қишлайдиганлари ҳам бор. Оқ турнани ҳимоя қилиш мақсадида Покистон, Ҳиндистондаги қишлов жойлари назоратга олинган. Шунга қарамай, оқ турна йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам Турналарни муҳофаза қилиш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Уларни лабораторияда сунъий кўпайтириш учун бир қатор мамлакатларда катта ишлар олиб борилмоқда. Оқ турна одатда иккита тухум қўяди. Шулардан биттасини табиий шароитда очади. Иккинчиси эса орнитолог мутахассис назорати остида инкубацияда сунъий очтирилади. Оқ турна зарарли ҳашаротлар, бақа, илон ва балиқлар билан озиқланади. Улар одамлар яшамайдиган овлоқ жойларга ин қўяди ва болалари учирма бўлгач уясини ташлаб, қишлов жойларига бориб яшайди. Уларнинг орасида биттаси тўдабоши бўлиб, қолганларини эргаштириб учади. Шуниси қизиқки, турна уясига хавф-хатар ёки одам яқинлашганини сезса, дарҳол инини ташлаб кетади.

Турналарнинг табиати жуда қизиқ, улар ўз жуфтларидан бир умр ажралмайдилар.

Сибир халқлари оқ турнани соғлиқ ва яхшилик рамзи сифатида эъзозлашади. Афсуски, кейинги икки йилда бу қушнинг Ҳиндистонда қишламай қўйгани кузатилмоқда. Бунинг сабабини олимлар синчиклаб ўрганишяпти.

**— Ҳозирги кунда ўзбекистонлик орнитологларнинг дунё олимлари билан ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Ҳукуматимиз «Биохилмахилликни сақлаш бўйича конвенция», «Миграция қилувчи ҳайвон турларини сақлаш бўйича конвенция» ва шунга ўхшаш бир қатор конвенцияларга аъзо. Олимларимиз Канада, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Хитой давлатлари орнитологлари билан мунтазам алоқада бўлиб келмоқдалар. Барча мамлакатларда ноёб қушларни махсус кўпайтириш учун чора-тадбирлар олиб борилади, ўзаро тажрибалар алмашинилади. Айниқса, дунё орнитолог олимларини қушлар миграцияси кўпдан қизиқтириб келмоқда. Шунинг учун ҳам муҳим орнитологик ҳудудлар ва янги қўриқхоналарни ташкил этиш долзарб муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

**Суҳбатдош: Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири»**

*Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги*

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 1,5,8,12,15,19,22,26,29 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:***

— Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчасида, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 952 000 сўм;**

— «Қоратош» даҳаси, Чақар маҳалласи, Кураш кўчасида сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 840 000 сўм.**

— Каттабоғ 7-тор кўчасида, сатҳи 0,012 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 757 680 сўм.**

**Юнусобод тумани:**

— Соҳибкор кўчасида ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 256 000 сўмдан;**

— Орифов кўчасида майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 461 600 сўм;**

— «Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 352 000 сўм;** 2-мавзеда сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 014 000 сўм,** сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 845 000 сўм;**

— Минг Ўрик 1-тор кўчасида сатҳи 0,04 га.дан бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 403 960 сўмдан;**

— А.Дониш кўчасида сатҳи 0,015 га.дан бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 616 500 сўмдан,** сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 822 000 сўм.**

**Мирзо Улуғбек тумани:**

— Ҳусанбоев кўчасида, сатҳи 0,015 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 550 200 сўм,** сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 733 600 сўм;**

— Устабоев кўчасида, сатҳи 0,0085 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 146 370 сўм;**

— Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган сатҳи 0,04 га.дан бўлган 15 та ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 072 000 сўмдан;**

— Ҳ.Абдуллаев кўчасида жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,04 га.дан иборат бўлган 3 та ер участкаси, **ҳар бири 2 288 000 сўм бошланғич нарх** билан ҳамда ушбу манзилда жойлашган майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 716 000 сўм;**

— Собир Раҳимов тумани, Генерал Ғофуров кўчаси ва Тошкент халқа йўли бурчагида, сатҳи 0,04 га.дан бўлган олтита ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 392 000 сўмдан.**

Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамғармабанк»нинг ТШБ, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига тўлайдилар.

**Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

***Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.***

Гувоҳнома № 000815

## *1 апрель — Кулги ва ҳазил куни*

# «КУЛГИ – ЭЗГУЛИК ЭШИГИ...»

дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек ХОЛМЕДОВ



**— Кулгисевар халқмиз. Кулги инсонга нима беради? Ўзбек қизиқчилиги тарихи ҳақида гапириб берсангиз?**

— Кулги инсоннинг умрини узайтиради, дилини поклайди, кўнглини хушлайди. Қувноқ одам кам касал бўлади. Кулгига шайдо қалб қаримайди. Тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам кўп кулган одам қонида гемоглобин ва адреналин миқдори ортади. Аслида ҳам ғам-ғусса ва қайғу изтиробдан қутилиш учун Аллоҳ таоло инсонга кулги туйғусини берган. Қувноқ одамнинг қалби ҳеч қачон музлаб, қотиб қолмайди. Бундай кўнгил меҳр-муруvватга тўла бўлади. Шунинг учун ҳам яхшиликни кулиб юрадиган, истараси иссиқ одамлардан излайдилар.

Ўзбек қизиқчилигининг ҳам тарихи минг йилларга бориб тақалади. Улар қадимда хон саройларида хизмат қилганлар. Ҳар бир ҳукмдорнинг ўз қизиқчиси бўлган. Халқимизнинг Насриддин Афанди сингари афсонавий кулги тимсоли, Юсуфжон қизиқ асос солган қизиқчилик мактаблари бўлган.

Шахсан ўзимнинг устозларимга келадиган бўлсам қизиқчи бўлиб шаклланишимга кўпгина устозлар меҳнати сингган. Жумладан, Юсуфжон Шакаржонов, Муҳиддин Дарвешов, Айниддин Зайниддинов, Жамол дўхтир, Абулқосим Тўйчиев, Абулҳай Маҳсум, ўшлик раҳматли Карим акалардан бир умр миннатдорман. Зайнобиддин қизиқчининг дуосини олганман. Айниқса, Эргаш Каримов ва Тўхтамурод Азизовдан кўп нарса ўргандим. Ўзимдан-ўзим, бир айланиб Мирзабек бўлиб қолмадим. Мени устозлар сабоғи улғайтирди.

**— Ўзингиз ҳақингизда ҳам гапириб берсангиз?**

— Қаранг, илк бор саҳнага чиққанимга ҳам 20 йилдан ошибди. Болалигимни эсласам, 1961 йилда пойтахтнинг Миробод туманида таваллуд топдим. Муқимий номли 154-ўрта мактабда таҳсил олдим. Онам фаррошлик орқасидан бизни катта қилганлар. Кичкина маош билан 10 нафар фарзандни вояга етказиш осон бўлмаган. Отам раҳматли темир йўлда ишлаганлар. Бир ҳафта йўлда бўлсалар, бир ҳафта уйда бўлардилар... Болалигим ҳазил-ҳузул билан ўтди. Ҳатто мактабдаги ўқитувчилар ҳам билимимга эмас, қилиғимга баҳо қўйишарди. Мактабни тугатиб, ҳозирги Маннон Уйғур номли санъат институтига ҳужжатларимни топширдим. Афсуски, имтиҳонлардан ўта олмадим. Сўнгра шу институтга ишга кирдим. Хуллас, талаба бўлишим осон бўлмади. Бунинг устига стипендия олмай ўқидим. Яхшики, бахтимга халқимизда тўй-ҳашамлар бор экан...

**— Касбдошларингизга муносабатингиз қандай? «Мирзо театри»нинг фаолияти ҳақида мухлислар билишга қизиқади.**

— Касбдошларимни ҳурмат қиламан. Уларнинг муваффақияти мени ҳам хурсанд этади. Илгари «Кўзгу» деган қизиқчилик театри бор эди. Унда Тўхтамурод ака, Обиджон, раҳматлик Собитжон, Ботиржонлар бирга ишлаганмиз. Кейинчалик Обиджон шогирдлари билан алоҳида гуруҳ тузди. Мен эса «Мирзо театри»ни ташкил қилдим. Ким яхши асар яратса хурсанд бўламиз. Муносабатларимиз дўстона ва самимий. Бунга ҳам мана, ўн бир йил бўлди. Ўтган йили театримизнинг 10 йиллигини нишонладик. Бугун Худога шукр, шогирдларим кўп. Айтишади-ку, устоздан ўтмаган шогирд шогирдми? Айниқса, Анвар Салимов, Маъмуржон Холмедов, Шукрулло Исроилов, Валижон Шамшиевлардан кўнглим тўқ.

Санъаткор бир жойда тўхтаб туролмайди. Мен ҳам ҳамиша изланаман, топаман, янги альбомларим чиқаяпти.

Дарвоқе, яна бир янгиликни айтиб ўтай. Обиджон Асомов қизиқчилар уюшмасини ташкил қилди. Бу хайрли иш. Чунки қизиқчилар ўзаро ҳамкорликда ижод қилиш имконияти пайдо бўлди.

**— Сиз актёрсиз, хонандалик ҳам қиласиз. «Болам» қўшиғингизни клип ҳам қилдингиз. Қизиқчисиз. Умуман айтингчи, ўзингизни ўзингиз ким деб ҳисоблайсиз?**

— Ҳар ҳолда мен институтда хонандаликдан имтиҳон топширганман. Талабалик давридан қўшиқ куйлаб келаман.

Юсуфжон қизиқ, қозонга масхарабозни, шоирни, хонандани, раққосни солиб яхшилаб аралаштириб пиширса, шулардан битта қизиқчи чиқади, дердилар. Бундан кўринадики, қизиқчининг қобилияти кўп қиррали бўлиши керак. Бўлмаса ундан санъаткор чиқмайди. Мен энг аввало, одамман. Юрагим, кўнглим бор, шодликдан куламан, ғамдан йиғлайман. Яхши кўрган инсонларим, севган касбим бор. Ва бу ниҳоятда фахрли, шу касб орқали эл ардоғига сазовор бўлдим. Менинг бахтим ҳам шу, бойлигим ҳам шу.

**— Саҳнага чиққанда кўпроқ нимага эътибор берасиз? Ёки хаёлга келган юморни айтиб юбораверасизми?**

— Томошабинни, аудиторияни ўрганиш санъаткор учун жуда муҳим. Шунга қараб қўшиқ, юмор танланади. Аёлларга ёққан ҳажвия, болаларга ёқмаслиги мумкин. Буни инобатга олмаган санъаткор ютқазади. Қолаверса, томошабиннинг салоҳиятига, савиясига, дунёқарашига, кайфиятига ҳам эътибор бериш керак.

Ҳозир элга манзур бўлиб қолган «Қаҳқаҳа», «Ҳандалак», «Сўта қўзи» гуруҳлари қизиқчилари, Шерали Ҳожиев, Абдуллажон Жакбаров сингари касбдошларимизни йиғиб, кино олиш ниятимиз бор. Бу кино Обиджоннинг ҳикояси асосида яратилади.

**— Мирзабек ака, янги ҳангомалардан ҳам эшитайлик.**

— Марҳамат. Кунлардан бир куни кайфи баланд бир кимса дорихонага кириб, бўлка нон сўрабди. Дорихонада нон нима қилсин? Доришунос: «Биз нон сотмаймиз», дейишига қарамай, у киши нон топиб беришни талаб қилиб, жанжал кўтарибди. Бу ҳолат 3 кун давом этибди. Ахийри маст киши доришуносни дўппослабди. Жонидан тўйган доришунос пештахтага хилма-хил нонлардан олиб келиб қўйибди. Кайфи баланд киши кириши билан: «Марҳамат жаноб, дори олсангиз дори, нон олсангиз нон бор» дебди. Маст эса: «Нонни рўпарадаги дўкондан олдим, сендан бугун колбаса оламан, колбасангдан торт», деб жанжал кўтарган экан.

1 апрель — Кулги ва ҳазил куни билан барча юртдошларимни, мухлисларимни самимий табриклайман. Илоҳим бошингиз кулгидан чиқмасин...

**Суҳбатдош:**
**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Спорт ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН 2:1

Жанубий Корея футбол федерацияси 1928 йилда тузилган. 1948 йил ФИФАга, 1954 йил ОФКга аъзо бўлган. Терма жамоанинг илк халқаро учрашуви 1949 йилда Англияда бўлиб ўтган: Мексика — Жанубий Корея — 3:5. Орадан олти йил ўтиб корееликлар жаҳон чемпионатида иштирок этишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Жанубий Корея терма жамоаси 1986, 1998 ва 2002 йилги жаҳон чемпионатларида ҳам қатнашди. Икки бор Осиё чемпиони, икки марта Осиё ўйинлари ғолиби, Афроосиё кубоги соҳиби бўлган.

Мамлакатда 528 та футбол жамоаси бўлиб, уларда ўн беш мингдан зиёд футболчи тўп суради. Чемпионат ўйинлари март-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

Жанубий корееликлар Ўзбекистон терма жамоаси билан уч марта рўбарў келган. 1994 йил Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида 1:0 ҳисобида ҳамюртларимиз ғалаба қозонишган. 1997 йил жаҳон чемпионати саралаш босқичи ўйинларида эса икки бор мағлубиятга учраганмиз. Жанубий Корея — Ўзбекистон 2:1, Ўзбекистон — Жанубий Корея 1:5.

Кўриб турганингиздек, Жанубий корееликлар ҳавас қилса арзигулик ғалабаларни қўлга киритган. Сўнгги йилларда мамлакат футболи янада ривожланди. Айниқса, 2002 йилги жаҳон чемпионатида Жанубий Корея терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Португалия, Испания, Италия каби дунёнинг энг кучли терма жамоаларини доғда қолдириб, тўртинчи ўринни қўлга киритишганди.

Шу боис жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг иккинчи босқичига қуръа ташлангандаёқ Жанубий корееликларнинг гуруҳ пешқадами бўлиши башорат қилинганди. Қолаверса, улар тайёргарлик ишларини ҳам кўнгилдагидек ўтказишди. Аввалига АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳрида ўқув-машғулотларида қатнашиб қайтган терма жамоа кейинчалик Колумбия, Швеция, Парагвай, Миср ва германиялик футболчилар билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишди. Хуллас, ҳар бир жамоа келаси йили Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун ҳозирлик кўрди.

Дастлабки турда корееликлар Қувайт терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида зафар қучишганди. Иккинчи турда эса улар Саудия Арабистони жамоаси меҳмони бўлишди ва кутилмаганда 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Мағлубиятдан сўнг табиийки, Жанубий Корея футболчилари янада ҳушёр тортишди. Ўз навбатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бундан буён фақат ғалаба учун майдонга тушишлари талаб этилади. Саудия Арабистони ва Қувайт терма жамоалари билан бўлиб ўтган баҳсларда қимматли очколарни бой берган ҳамюртларимизнинг ҳужумкор ўйин кўрсатиши кутилган эди. Кескин ва муросасиз ўтган биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда корееликлар ташаббусни ўз қўлларига олишди ва кетма-кет икки тўп киритишди. Александр Гейнрихнинг жавоб тўпи эса терма жамоамизни мағлубиятдан қутқариб қололмади — 2:1.

## СЕМИНАРДА ТАЖРИБА ОРТТИРИБ

Тошкентда стол тенниси мураббийлари ва спортчилар учун техник семинар иш бошлади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида матбуот анжумани уюштирилди.

Афинада бўлиб ўтган XXVIII Олимпия ўйинларида, бир қанча халқаро мусобақаларда спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирок этаётганлиги стол теннисии бўйича имкониятларимиз катта эканлигини кўрсатди. Ушбу семинарнинг ўтказилиши мамлакатимизда стол теннисини янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон стол тенниси федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинарни Халқаро стол тенниси федерацияси эксперти Роман Плеше олиб бормоқда. Семинар кун тартибидан назарий ва амалий машғулотлар ўрин олган. Мураббий ва спортчилар «Стол теннисини ривожлантиришнинг умумжаҳон хусусиятлари», «Стол теннисида ўйин ва база техникаси», «Стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этиш ва қоидалар» сингари мавзуларда маърузалар тинглашади. Сўнгра стол тенниси бўйича мамлакат терма жамоаси аъзолари Роман Плеше томонидан ўтказиладиган техник-тактик тайёргарлик бўйича амалий машғулотларда қатнашади.

Семинар сўнгида иштирокчиларга сертификат топширилади.

**Анвар САМАДОВ**


### ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Андижон вилояти Олтинкўл туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Хайрулло Мухторов Хитойнинг янги технологияси усулида эски пахта (увада) ҳамда жун хомашёсини қайта ишловчи дастгоҳларни келишилган нархда сотади.*

*Дастгоҳлар харидорлар талаб-истакларига қараб исталган манзилга етказиб, ишга тушириб берилади.*



**Мурожаат учун манзил: Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғи, Кўрғонча маҳалласи.**
**Илҳомжон ИБРАГИМОВ.**
**Телефонлар: 83742 557688 837432 21544**

*Маҳсулот сертификатланган*

### ОАО «ТАШОР»

*извещает о дополнении к повестке дня при проведении отчетного годового собрания акционеров, которое состоится 16 апреля 2005г. в 11.00 по адресу: г.Ташкент, ул.А.Каримова, 5. Телефон: 90-40-19. Регистрация участников — с 10.00.*

*Дополнение к повестке дня:*

*11. Утверждение изменений в Уставе общества.*

*12. Увеличение уставного фонда путем размещения дополнительной эмиссии акций.*

*Просьба иметь при себе паспорт или иное удостоверение личности.*

*Ставим вас в известность, что у вас имеется право требовать выкупа акций, если вы проголосуете против, либо не примете участия в голосовании по уважительным причинам, в соответствии со ст.41-45 Закона «Об Акционерных обществах и защите прав акционеров» по рыночной цене, которая составляет 1260 сумов, и в порядке, предусмотренном законодательством.*

**Наблюдательный совет.**

### «ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

ОАЖ акциядорлари диққатига!

***«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув кенгаши 2005 йил 29 апрель куни соат 17.00 да Тошкент шаҳар, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уйда (7-қават) жамият акциядорларининг навбатдаги 9-умумий йиғилиши бўлиб ўтишини, шу муносабат билан жамият акциядорлари реестри 29 март ҳолати билан ёпилишини маълум қилади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Бошқарув раисининг 2004 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботи ва 2005 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
2. 2004 йил бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3. Фойданинг тақсимланиши.
4. Тафтиш ҳайъати ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2004 йил якуни бўйича аудитор хулосасини ва 2005 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.
6. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
7. 2000-2002 йиллар мобайнида юзага келган кредиторлик қарзлари тўғрисида.
8. Тафтиш ҳайъати аъзоларини сайлаш.

**Мурожаат учун телефонлар:**
132-20-56, 134-06-26.

**Кузатув кенгаши.**

| «O`zkommunmashta`minot» ОАЖ бухгалтерия баланси | Кўрсаткичларнинг номи | Ҳисобот даври бошига | | Кўрсаткич номи | Ҳисобот даври бошига | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | АКТИВ | 2004 й. | 2003 й. | ПАССИВ | 2004 й. | 2003 й. |
| | 1. Узоқ муддатли активлар | 628030 | 673776 | 1. Ўзлик маблағларнинг манбалари | 313246 | 313657 |
| | 2. Жорий активлар | 1306554 | 785489 | Устав капитали | 125262 | 125262 |
| | Ишлаб чиқариш захиралари | 8471 | 1515 | Қўшилган капитал | — | — |
| | Қайта сотиш учун товарлар | 433962 | 88494 | Резерв капитали | 146267 | 147098 |
| | Келгуси давр харажатлари | 335597 | 177071 | Тақсимланмаган фойда | 579 | 159 |
| | Пул маблағлари | 202 | 3026 | Мақсадли молиялаштириш ва тушум | 41138 | 41138 |
| | Қисқа муддатли инвестициялар | — | — | 2. Мажбуриятлар | 1621338 | 1145608 |
| | Дебиторлар | 528322 | 515383 | Қисқа муддатли қарзлар | 919181 | 420000 |
| | | | | Олинган бўнаклар | 7569 | 40578 |
| | | | | Кредиторлар | 679372 | 678915 |
| | Баланс активи бўйича жами | 1934584 | 1459265 | Баланс пассиви бўйича жами | 1934584 | 1459265 |

| Молиявий натижалар (фойда ва зарарлар ҳисоби) | Кўрсаткич | Даромадлар | | Харажатлар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2004 й. | 2003 й. | 2004 й. | 2003 й. |
| | 1. Маҳсулотларни (хизматлар) сотишдан олинган ККСдан ташқари тушум | 1331550 | 173532 | | |
| | 2. Ишлаб чиқариш таннархи | | | 1037704 | 130901 |
| | 3. Сотишдан олинган ялпи молиявий натижа | 293846 | 42631 | | |
| | 4. Асосий фаолият молиявий натижаси | 171451 | 36681 | | |
| | 5. Умумхўжалик фаолияти молиявий натижалари | 71088 | 8333 | | |
| | 6. Соф фойда | 420 | 159 | | |

| ОАЖнинг молиявий ҳолати тўғрисида Аудитор ҳисоботи | Номи | |
|---|---|---|
| | 1. Аудиторлик фирмаси номи | «JOXAR-SEVAN» ХК, Ташкент ш,. Н.Хожибоев кўчаси, 64. Телефон 169-05-16 |
| | 2. Лицензиянинг рақами ва берилган вақти | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лицензияси, серия АФ №00004 15.02.2001 й. |
| | 3. Хулосанинг берилган вақти | 29 март 2005 й. |
| | 4. Аудитор ҳисоботи | «O'zkommunmashta'minot» ОАЖнинг молиявий ҳисоботида молиявий ҳолати ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон қонунчилигига мос акс эттирилган. |

### «ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ

***Кузатув кенгашининг қарорига биноан 2004 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан бўладиган акциядорларнинг умумий мажлиси 2005 йил 30 апрель куни соат 12.00 да жамият биносида ўтказилади. Акциядорлар соат 11.00 дан бошлаб рўйхатдан ўтадилар.***

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. «Янгиобод ихтисослашган бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти (бизнес-режа ижроси) юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш.*

*2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.*

*3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*

*4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.*

*5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.*

*6. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.*

*7. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномасини тўхтатиш ёки узайтириш ҳақида.*

*8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*

*9. 2005 йил учун иш режасини (бизнес-план) тасдиқлаш.*

*10. 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.*

*11. 2005 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.*

*12. Жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш ҳақида.*

*13. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш ҳақида.*

*Мажлисда акциядорлар реестрининг 2005 йил 25 март ҳолатига кўра, унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин. Умумий мажлисга доир материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси, 1-уйда жойлашган жамият биносида танишишлари мумкин.*

**Кузатув кенгаши**


«Шарқ юлдузи» журнали жамоаси Ўзбекистон халқ шоири **Рауф ПАРФИ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон халқ шоири **Рауф ПАРФИ**нинг вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Навоий вилоят бўлими бошлиғи Баҳодир Жумаевга отаси **Раҳмат ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR, KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Ma`murjon QIYOMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 254
11400 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.00.
Topshirish vaqti — 21.00.
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda